## Қутлаймиз!



Ҳурматли Насиба Жўраевна ҚОСИМОВА!

Педагоглик фаолиятингизга 28 йил тўлиб, умрингизнинг 50 баҳорини қаршиламоқдасиз. Ўтган давр мобайнида ўзингизнинг педагогик маҳоратингиз билан кўплаб ҳамкасбларингизга, ёш муаллимларга ўрнак бўлдингиз. Иш тажрибаларингиз ноҳияда бир неча бор оммалаштирилиб, дастурил-амал сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Шунингдек, Сиз етиштирган шогирдларнинг кўпчилиги бугун жумҳурият истиқлоли учун қаерда ва қайси соҳада бўлмасин виждонан меҳнат қилиб, ишончингизни оқлашмоқда.

Ушбу айёмингизда неки яхши ниятлар қилаётган бўлсангиз, ҳаммаси рўёбга чиқсин. Танлаган йўлингиз порлоқ бўлиб, Сизга бахт келтираверсин!..

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КИРОВ НОҲИЯСИДАГИ 96-МАКТАБНИНГ ПЕДАГОГЛАРИ ВА ШОГИРДЛАРИНГИЗ.**

## Қутлаймиз!

Ҳурматли Абдусами АБДУҒАНИЕВ!

Узоқ йиллар маориф соҳасида, чунончи, ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори, Тошкент вилоят халқ таълими бўлимида назоратчи, Тошкент шаҳар Киров ноҳия халқ таълими бўлими мудири, жумҳурият ҳунар-техника давлат қўмитаси инспекциясининг бошлиғи каби масъул ишларда ишлаб, билимингизни, қалб қўрингизни эл учун, халқ фарзандларининг келажаги учун бахшида этдингиз.



Бугун ҳам ана шу таълим-тарбия йўлида туриб қутлуғ 60 ёшингизни нишонлаётган экансиз, Сизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Биз, шогирдларингиз ва ҳамкасбларингизга ҳамиша маслаҳатгўй бўлиб юринг, деймиз.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚИБРАЙ НОҲИЯСИДАГИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЖАМОАСИ.**

Ҳурматли дадажонимиз Абдусами АБДУҒАНИЕВ!

Сиздек падарбузрукворимиз билан ҳамиша фахрлансак арзийди. Негаки, Сиз, аввало, бизнинг дунёга келишимизга, қолаверса, бугунги кунда жамиятда ўз ўрнимизни топиб олишимизга раҳнамо бўлган қалби дарё инсонсиз.

Узоқ йиллар масъул вазифаларда ишлаб юрган кезларингизда ҳам фарзанд тарбиясига бўлган эътиборингиз олдингиздаги мақсадларингиздан бири эди.

Бугун оиламизда энг қувончли кун — Сиз 60 ёшга тўлаяпсиз. Ана шу айёмда Сизга қанча ташаккур билдирсак ҳам озлик қилади. Дадажон, энг муҳими, бахтимизга бор бўлинг, узоқ йиллар туғилган кунингизни бирга нишонлайверайлик.

**Турмуш ўртоғингиз ШИРМОНХОН, фарзандларингиз: МУҚАДДАС, САОДАТХОН, МУФАЗЗАЛ, ДИЛШОД, РАФИҚЖОН, ЗАФАРБЕКлар.**

## Қутлаймиз!



Азиз Сайфиддин Нуриддинович РАЖАБОВ!

Ғиждувон шаҳридаги Улуғбек номли 3-ўрта мактаб жамоаси Сизни туғилган кунингизнинг 60 йиллиги, муаллимлик фаолиятингизнинг 40 йиллиги муносабати билан қизғин қутлайди.

Сиз 25 йил мобайнида мактаб педагогларига бош бўлиб, ишчан ва аҳил жамоани юзага келтирдингиз. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдек машаққатли, аммо ниҳоятда масъулиятли ва шарафли касбнинг ҳақиқий устаси эканлигингизни кўрсатдингиз. Моҳир педагог, меҳрибон тарбиячи, ижодкор ўқитувчи, жонкуяр устоз, талабчан ва ташкилотчи раҳбар сифатида кенг жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат қозондингиз.

Сайфиддин Нуриддинович, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ҳамда келажак ишларингизда омад тилаймиз.

**ҒИЖДУВОН ШАҲРИДАГИ УЛУҒБЕК НОМЛИ 3-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.**

## Қутлаймиз!

Меҳрибон Онажонимиз Кимёхон МАМАЖОНОВА!

Сочларингиздаги оқлар, юзларингиздаги ажинлар меваси бўлган биз — фарзандларингиз, келинингиз, невараларингиз Сизнинг энг азиз байрамингиз — туғилган кунингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Ушбу кунда шаънингизга қанча мақтов айтсак ҳам озлик қилади. Сиз Она деб аталмиш шарафли номни эъзозлаш билан бир қаторда Бағдод ноҳиясидаги 3-ўрта мактабда кўп йиллардан буён ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаяпсиз. Яна кўп йиллар севган касбингиз эгаси бўлишингизнинг тарафдоримиз.



Доимо севимли мактабингиз ва қайноқ оиламиз бағрида ўйнаб-кулиб юринг. Хуллас, бугун энг эзгу тилакларнинг барчаси фақат Сизники бўлсин!

**БУРҲОНЖОН, ШУҲРАТЖОН, ҒАЙРАТЖОН, ЎЛМАСХОН, МАНЗУРАХОН, КОЗИМЖОН.**

## Қутлаймиз!



Қадрли Ҳамидулло ҲАМДАМОВ!

Йигирма олти йиллик педагогик фаолиятингиз давомида билимингиз, куч-қувватингизни болалар таълим-тарбиясига бағишладингиз.

Ўз ишининг асл билимдони, моҳир мураббийси сифатида Сизни яхши биламиз, ҳақли равишда Сиз билан фахрланамиз.

Ярим асрлик қутлуғ тўйингизни ўтказиш биз ҳамкасбларингиз учун жуда кўнгилли. Мукаррам бу айёмда Сизни қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан
**ҚАТТАҚЎРҒОН НОҲИЯ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ВА М. БОБОЕВ НОМЛИ МАКТАБ ЖАМОАСИ.**



# ЭРТАГА — РАДИО КУНИ

# САМИМИЯТ

Ёнингдаги ҳамкасбинг, ҳар куни кўриб, қувончу ташвишларингга шерик юриб, ҳамсуҳбат бўлган ҳамроҳинг беихтиёр қўлингга таклифнома тутқазса, тараддудли, тадорики кечасидан воқиф қилса, ҳаяжонга тушаркансан. Азиз ака ҳам шундай қилдилар: «Сизнинг радиодаги фаолиятимга 45 йил, таваллуд топган кунимга 60 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган...» Наҳотки? Бир этак болани етаклаб, дикторлик маҳоратию шеър айтиш санъатидан баҳраманд этиб юрган кечаги шошқин ва тошқин Азиз акамиз бугун 60 ёшга тўлибдилар? Ўқувчилик пайтимизда лавҳа ва мақолалар ёзишга ундаган, ёзганларимизнинг ростлигига бизни ҳам ишонтириб, эфирга узатган жонкуяр устоз, моҳир журналист, меҳрибон мураббий Азиз Ёқубовнинг Ўзбекистон радиосида иш бошлаганига 45 йил тўлган бўлса? Бир ерда муқим ишлаш, фақат болалар олами билан банд бўлиб, болалар муҳарририятида фаолият кўрсатиш собиқ иттифоқ радиожурналистлари ичида кутилмаган ҳол экан аслида, нафақат радиожурналистлар балки барча ижодкорларнинг бир ерда муқим фаолияти камдан-кам учрайди. Бунинг учун эса ўз қаҳрамонларини сидқидилдан севиши керак журналист. Уларнинг қувонч ва ташвишларига ҳамроҳ бўлиб, ҳамкасбу ҳамроҳларининг турли феълу кайфиятлари билан ҳам ҳамиша ҳисоблашиб яшамоғи шарт. Аммо бунга ҳамма ижодкорнинг бардоши бирдек етавермайди. Нима кўп, ёзаман деб турган турли касбу, турли ёшли янги танишларинг, сен билган ва билмаган ҳилқатларинг кўп. Аммо уларнинг ҳаммасини маълум ёшдагилар учун мослаштириб ёзмоқ учун, боя айтганимдек, ҳамкасбу ҳамроҳларинг инжиқликлари билан ҳам ҳисоблашиб ишламоғинг даркор!

У пайтларда радиода озчилик ишлардик, — деб хотирлайди А. Ёқубов. Режиссёр ҳам ўзинг бўлишинг керак, редактор ҳам. Керак бўлса, актёрлик ҳам қилишинг шарт. Одамгарчилик ўзгача эканлигиданми, масъулиятни чуқур ҳис қилмоқликданми, қийинчиликни сезмай яшардик. Дастлаб кичик муҳаррир эдим. Сўнг муҳаррир бўлдим. Бора-бора бўлим мудирию бош муҳаррир даражасига кўтарилдим...

— Шогирду иқтидорли ёшлар сафи ҳам кенгая борди, денг...

— Ҳа. Умр оқар сув экан. Сиз ҳам, мана, журналист бўлдингиз. Сиз билан келган болаларни яхши эслайман. Дилсора Бобохонова, Машҳура Ризамуҳамедова...

— Суннатулла Аҳмедов, Мирзоҳид Раҳимов, Насиба Иброҳимова, Дилфуза Ғуломовалар ҳам сизнинг шогирдларингиз экан.

— Уларни, улар каби айрим диктору, эл ардоғида юрган турли касб эгаларини эсларканман, ўз бўйимни ўлчагандек бўламан.

Ҳа, Азиз аканинг ўзига хос мактаби бор. Бу мактаб яхшилик, эзгулик куртаклари чаппар урган мактабдир. Бектемирдаги 52-, Сирдарёдаги 7-, Андижону Сурхондарёдаги қатор мактабларнинг ўқувчилари у кишини кутиб яшайди. Умрининг ярмидан кўпи, иш фаолиятининг аксарияти йўлда, иқтидорли ёшларни излаш билан ўтган, десам айримлар ишонишмас. Лекин очиғи ҳам шу. Раҳматли Умарали Қурбоновни, тўққиз ёшида тўшакда михланиб, бадиий ижодга кўнгил қўя бошлаган ногирон болани излаб топиб, унинг кўнглига битмас-туганмас илҳом сола билган ҳам Азиз ака эди.

Йўлдош Сулаймон, бугунги кунда эл севган ижодкорлардан бири, Фарғона водийсининг қайсидир қишлоғида ўқийдиган бу йигитчани ҳам адабиёт майдонига етаклаган Азиз ака эди.

Бундай саховатлар учун туғма қобилияти бўлиши керак, самимияти бўлиши керак инсоннинг. Бола нигоҳи билан, оламга беғубор боқиб, одамга қалбидаги гўзал ҳисларини юқтира билиши шарт. Азиз акада эса бу хислату фазилатлар керагидан ҳам ортиқ. У кишининг ТошДУнинг журналистика куллиёти билан алоқаси яхшилигини биламан. Жумҳуриятимизда шеърга, қўшиққа меҳр қўйган болалар кўп. Аммо улар қайсидир сабаблар билан истеъдодларини намоён қила билмайдилар. Бунинг учун эса бу йўлнинг машаққату қувончларидан воқиф, уларни йўлга сола биладиган устоз керак. Яъни Азиз ака Ёқубов кабилар керак. Азиз ака шанбаю якшанба кунлари ҳам сафарга отланади. Қачондир кимгадир берган ваъдасининг уддасидан чиқиш учун унга чиндан киришади: болаларни йиғади, иқтидорлиларини кўпчилик олдида кўз-кўз қила билади. Ўша жойга — қишда совуқ, ёзда иссиқ, кўримсиз ва қаровсиз мактабга ноҳия ёки вилоят мутасаддиларини ҳам чақиради. Радиога овозини ёзишу шу баҳонада болаларнинг аҳволи билан уларни таништириб қўйиш мақсадида, албатта. Болалар эса шеър айтадилар, ўйинга тушадилар. Азиз ака эса олқишлар тугагач, сўнгида сўз олади: — Кўрдик, эшитдик. Маҳоратли ва ҳароратли қалбли ўқувчиларсиз. Сизлар жумҳуриятимиздаги болаларга ўрнак бўлсангиз арзийди. Шундай экан нега энди сизлар гўзал мактабда ўқимаслигингиз керак? Ҳар тарафлама қулай кошоналарда таҳсил олмаслигингиз лозим? Қани сизнинг раҳбарларингиз, бу маҳоратингизу иқтидорингиздан руҳланган мутасаддиларингиз бу борада нима дейишар экан?

Раҳбар эса тийрак ва зийрак фарзандлар етишаётганидан шодланиб сўз олади. Азиз ака эса савол беради:

— Қачон бу билимдонлар ўз мактабига, кутубхонаси ёки спорт саройига эга бўлишади?

...Шундай қилиб, бир йўла эшиттириш ҳам тайёр, унинг кутилган мақсади ҳам аниқ. Аниқлик киритмоқ учун эса яна янги эшиттиришлар қаторлашиб турибди...

Азиз аканинг «Понер эрталиги»ю, «Ёш куч», «Бизнинг маҳалла», «Ўсмир ва қонун», «Истиқбол бугундан бошланади» каби эшиттиришлари қандай тайёрланганини, қанчалик обрў орттириб, қанақа вазифаларни уддалагани у билан бирга ишлаган севимли ёзувчиларимиз Латиф Маҳмудов, Ўлмас Умарбеков, Фарҳод Мусажоновларга яхши аён. Бу аёнлик у кашф этган ўнлаб, юзлаб истеъдод эгаларининг камолида мужассам.

Бугунги кунда ҳам Азиз Ёқубов туркум эшиттиришлар яратиш билан ёниб юрибди. «Бир танмиз, бир жонмиз, қадим она Туркистонмиз» деб номланган эшиттириш муваффақият билан беш жумҳурият ўртасида эфирга узатилмоқда. А. Ёқубов «Осиё ҳалқаси» деб номланган тадбирга бошчилик қилаяпти. У Афғонистонда шаҳид кетганлар ҳокини она тупроққа келтириб, унинг чироғини абадий ёқишга бел боғлаганлар сафига бош-қош. Шу йил август ойида эса Иссиққўлда иттифоқдош жумҳуриятларнинг иқтидорли болаларининг катта анжумани бўлади. Бунинг учун билимдон ёшларни аниқлашга чиндан чоғланган у. Азиз ака, ўзингиз айтганингиздек, тез ўтади экан, бу дунё. Имкон қадар, имон қадар яшаганларнинг ҳаёти соз ўтади экан. Сизнинг созу тез ўтар кунларингиз ҳамишалик аҳамиятли қалбингиз, меҳнаткаш қаддингиз, тийрак қарашларингизнинг ўзига хос самимиятингиз билан омухталашиб кетганидан бўлса не ажаб?!..

**Умида АБДУАЗИМОВА.**

**Суратда: Азиз Ёқубов ҳамкасблари Ғани Жаҳонгиров ва Эркин Маликовлар билан.**

## АЖОЙИБ КИМЁВИЙ МОДДА

Бугунги кунда олий ўқув юртларидаги кимёгар олимлар томонидан олиб борилаётган илмий кузатишлар, айниқса, яхши самаралар бермоқда. Ўсимлик ривожланишини тезлаштирувчи кимёвий модда — «ПАВ-61» препаратини яратиш устида жиддий иш олиб борилди.

Экологик томондан зарарсиз ҳисобланган ушбу кашфиётни амалга ошириш йўлида бир неча йил мобайнида лаборатория ва далачилик тажрибалари ўтказилиб, кўпгина синов ишлари бажарилди. Айниқса, Ховос районидаги «Фарҳод» давлат хўжалигида олиб борилган тажрибалар ҳам «ПАВ-61» моддаси деҳқончиликда ўзини тўла оқлади. Унинг атроф-муҳитга мутлақо зарарсиз эканлиги ҳар томонлама исботланди.

Кузатишлар жараёнида кимёгар-педагог олимлар тавсияларига хос бўлган афзалликлар кўпчиликни мамнун этди. Масалан, мазкур модда ҳидсиз, сувда яхши эрийди. Оз миқдордаги эритмасида ивитилган чигитнинг униб чиқиш муддати 1—3 кунга, ўсиши ва ривожланиши 4—5 кунга, кўсаклар очилиши 6—8 кунга тезлашади.

Истиқболга эга бўлган мазкур ихтиро самарадорлиги билан боғлиқ илмий тадбирлар кўрилди. Шу мавзуга бағишланган семинар-кенгашда янги кимёвий моддани амалда қўллашнинг катта режалари белгилаб олинди. Шунингдек, самарали изланиш билан боғлиқ илмий-амалий тавсиялар турли ўқув юртларида кимё фанини ўқитишда ҳам яхши натижа бериши кўрсатиб ўтилди.

**А. АЛИЕВ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 42-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

— электр ва газ пайвандловчи;
— чилангар созловчи;
— рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори;
— механик-йиғув иши бўйича чилангар;
— кенг ихтисосли чилангар-созловчи;

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 9-синфни битирганлар 1—3 йил мобайнида қўшимча касбга эга бўлиш имкони бор. Ўқиш даврида талабалар 40—50 сўмдан стипендия, 2 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига 11-синфни тамомлаганлар ва ҳарбий хизматини ўтаб келганлар учун ўқиш муддати 6 ой. Улар 262 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида практикантларга меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртини «аъло» баҳога битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

**ЎҚУВ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.**

Билим юрти ҳузурида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:
— ариза;
— туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
— маълумоти ҳақида гувоҳнома;
— турар-жойидан справка;
— саломатлиги ҳақида медицина маълумотнома ҳужжати (0,86/У формадаги справка).

**БИЛИМ ЮРТИ МАНЗИЛГОҲИ:** Тошкент шаҳри, Киров районн, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй. 24, 44, 51, 60, 67, 72, 91-автобуслар, 2, 16, 22, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Ғалаба» хиёбони» ва «Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси» бекати.

Телефонлар: 34-37-12, 34-37-14, 34-57-13.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
**М. РАҲМОНОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Давлат назорати жамоаси, шу жамоа бошлиғининг муовини Исмоил Расуловга опаси

**Лутфи Исроиловна ОЧИЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси тарбиявий ишлар услубияти кафедраси мудири Улфат Маҳкамовга онаси

**Мастура САИДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Тошкент вилояти педагог ходимлари малакасини ошириш институти жамоаси институтнинг собиқ ходими, Улуғ Ватан урушининг биринчи гуруҳ ногирони

**Ҳабибулла ТЎРАХОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, шу институтнинг мусиқа-педагогика факультети хор-дирижёрлиги кафедраси мудири Х. Шариповга отаси

**Алим АБИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00.

Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12